



O'ZBEKISTON OVOZI

2014-yil, 19-aprel. Shanba • 47 (31.794)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 69 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадий академияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Махалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус урғулар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 18 апрель

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Ваколат кенгайгани сари масъулият ҳам ошади

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши пленумида
бу фикр алоҳида таъкидланди

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аянлари муҳокамасига ва шу йил 17 январда республика Ҳукуматининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини амалга оширишни баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини, бунинг учун энг аввало инвестиция иқлими ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқаришларни технология жihatдан янгиланиши жадаллаштириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига мавжуд захиралар ва имкониятларни сарфлар қилишни таъминлайдиган иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялашнинг қабул қилинган стратегиясини амалга ошириш ишларининг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди. Шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини янада ошириш масалалари мажлис иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида муаммолар ва хавф-хатар мавжудлигига қарамай, 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини изчил ва мақсадга йўналтирилган тарзда амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишининг барқарор аҳоли раёни суръатларини сақлаб қолтириш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашни янада чуқурлаштириш таъминланаётганлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялли ички маҳсулотини 7,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 6,2 фоизга, хизматлар кўрсатиши 11,8 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялли ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Саноат тармоқларини ривожлантириш устуворликларини амалга ошириш, шунингдек, ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва ички бозорни рақобатбардошли маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар билан янада тўлиқроқ тўлдирish чора-тадбирлари истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 12,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ва хизматлар кўрсатиши ҳажми 9,1 фоизга кўпайишига кўмаклашди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида истеъмол маҳсулотларини улуши 2013 йилнинг биринчи чорагидаги 29,5 фоиз ўрнига 34,4 фоизгача кўпайди.

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол ўсиб келаётган авлодни вояга етказиш бўйича «Соғлом бола йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни фаол амалга ошириш бошланди. Ушбу тадбирларни молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобига қарийб 1 триллион сўм миқдорда маблағ йўналтирилди.

Мажлисининг кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида «бизнес билан шуғуллан» таъмолий бўйича ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга йўналтирилган амалий чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишга, ушбу мақсадларда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни жадаллаштиришга, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш кўламлигини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар фақат жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 7,3 мингта янги субъектларини ташкил этишга кўмаклашганини қайд этилди. Хисоботларни алоқанинг электрон йўллари бўйича топширишнинг юзма-юз алоқасиз шакллантиришга жорий этиш натижасида бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботларининг 95 фоизини, статистика ҳисоботларининг 88,6 фоизини электрон шаклда топширмоқда. Божхона юк декларацияларининг 95 фоизга қичи электрон усулда расмийлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган Фармонида назарда тутилган қўшимча дастурий чора-тадбирларни амалда бажариш, шу жумладан, янги имтиёзлар ва преференцияларнинг кенг доираси, ҳар хил лицензия ва рухсат берувчи тартиб-таомилларнинг муддатларини тубдан қисқартириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни юриштириш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш борасида навбатдаги муҳим босқич бўлиши алоҳида таъкидланди.

► Давоми 3-бетда.

Масъулиятни биринчи навбатда ўзимиздан талаб этайлик

шунда ишимизнинг аниқ натижаси бўлади

ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг XI пленумида партия фаоллари шундай масалани ўртага қўйишди. Ҳақиқатан ҳам электротар манфаати учун курашаётган партия ташкилотлари етакчилари, депутатлар электротар олдидаги масъулиятни, аввало, ўзлари чуқур ҳис этиб, ишни шу асосда ташкил этса, одамларнинг партияга ишончи ортиб бораверади.

Пленумда партия ташкилотлари ва маҳаллий вакиллик ҳокимиятидаги гуруҳларнинг дастурий мақсад ва вазифаларни бажаришдаги фаоллигини ошириш, электротар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий ишларни янада такомиллаштириш масаласи кун тартибидан ўрин олди. Сўзга чиққанлар асосий эътиборни шунчаки ҳисобот беришга эмас, жойлардаги муаммолар, уларнинг ечимида депутатлар иштироки қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги таклифларга қаратишди.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП ДЕПУТАТИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Маҳалланинг мушқули осон бўлди

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРДА ТУРЛИ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН САВОЛ-ЖАВОБЛАР, МУРОЖААТЛАР БЎЛАДИ. УЛАРГА ВАКОЛАТИМИЗ ДОИРАСИДА ЁРДАМ БЕРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛЯМИЗ. БИРОН-БИР АРИЗА ЁКИ САВОЛГА ЭЪТИВОРСИЗ ҚАРАШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚЛИгини ЯХШИ ТУНУНАМИЗ. ЧУНКИ АҲОЛИ МУАММОСИНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ.

Яқинда фуқаролардан мурожаат тушди. Унда қайд этилишича, Яшиқ маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қиладиган 32 оилага Дарёбўйи маҳалласидан уй-жой куриш учун ер участкалари ажратилиб, шундан 16 оила Дарёбўйи маҳалласига кўчиб ўтган экан. Янги уй-жой қурган ёш оилалар бундан мамнун, албатта.

Бирок бу маҳалла бунёд этилган ҳудуд ерости сизот суви оқаваси учун қавланган катта ариқнинг нариги томонида жойлашган. Бу эса аҳоли ўтиб-қайтиши учун бир мунча ноқулайликлар туғдирган. Улар уй-жой куриш вақтида ариққа кўприк солишга уриниб кўришган. Аммо мустаҳкам, машина катновига ҳам хизмат қиладиган кўприкка эҳтиёж сақланиб қолаверган.

Мен маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раёно Умарова ҳамроҳлигида Дарёбўйидаги янги маҳаллага бордим. Кўришди, аҳвол чиндан ҳам жиддий. Шу кунлик тегишли ташкилотлар билан боғландим, маслаҳатлашувлар ўтказдик. Кўприк куриш масаласида туман ҳокимига мурожаат этдим.

Кисқа муддатда туман ҳокими томонидан кўприк масаласи ва қурув муаммоси ҳал этилди. Айни кунларда кўприк қурилиши бўйича амалий ишлар бошланди.

Мавлуда БАКИРОВА,
4-Катта Ўлмас сайлов округидан халқ депутатлари Норин туман Кенгаши депутати,
ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

ЎзХДП БОШ МАҚСАДИ: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ёшлар муқим иш ўрнига эга бўлди

АҲОЛИ, АЙНИҚСА, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ЖОЙЛАРДА УТҚАЗИЛАЁТГАН ТУРЛИ УЧРАШУВ ВА СЕМИНАРЛАР, БУШ ИШ ҲАРАКАТЛАРИ ЯРМАРКАЛАРИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Ана шундай меҳнат ярмаркаси яқинда Денов туман ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Унда 300 га яқин корхона ва ташкилотлар иштирок этди.

лот 750 дан ортқ бўш иш ўрни билан қатнашди. Натижада 50 нафар фуқаро иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлашди. Уларнинг асосий қисмини ҳар галгидек коллеж битирувчилари ва хотин-қизлар ташкил этмоқда.


Бундай хайрлий ишлар замирида «Соғлом авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини қўллаб-қувватлашдек эзгу ният мужассам.

Абди БОТИРОВ

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Депутатлик назорати

партиямиз маҳаллий кенгашлари, айниқса, бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилса, янада самарали бўлади



Қарамоғимда 4 ва 6 ёшли болам бор. Меҳнат шариити ва иш вақти бўйича менга маълум бир имтиёз ҳамда енгиллик мавжудми?

Сабоҳат Камолова,
Чирчиқ шаҳри.

Саволга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлимининг етакчи юристконсулти Дилшод Абдуқодиров жавоб беради.

ГАЗЕТХОН САВОЛИГА МУТАХАССИС ЖАВОБИ

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 229-моддасига мувофиқ ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олтти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан, ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ, уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

Бунда тўлиқсиз иш вақти шарт билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар партия кенгаши электротар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда ЎзХДП ташкилотлари ва гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш масаласига бағишланган сиёсий ўқув ўтказди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишишингиз мумкин.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР сўз юритди.

Ваколат кенгайгани сари масъулият ҳам ошади

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши пленумида бу фикр алоҳида таъкидланди

Пленум жонли фикр алмашув асосида ўтди. Аввало, ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги гуруҳи раҳбари Саида Жўраева партия ташкилотлари ҳамда депутатлик тузилмаларининг ўтган йилги фаолиятини чуқур таҳлил этди, олдинда турган устувор вазифалар ҳақида сўз юритди.

— Сийёсий партия ўз электорати манфаатини вакиллик ҳокимиятига сайланган депутатлари орқали ҳимоя қилади, — деди у. — Сессия, доимий комиссиялар кун тартибига турли ижтимоий масалаларни киритиш йўли билан аҳолининг ижтимоий кўлаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами ҳаётини яхшилашга таъсир кўрсатиш ҳақида гап борар экан, ўтган йил Бухоро шаҳар, Шофиркон, Вобкент, Қоровулбозор, Қорақўл, Жондор, Ромитан туманларида партиянинг депутатлари ташаббуси билан ҳудудлардаги кўпгина муаммолар ҳал этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган йилда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатларимиз турли масалаларда 82 марта таъкидлаш ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилган. Эътибор беринг, шунинг 56 таси электоратимиз манфаатига бевосита алоқадор қонунларнинг ижро этилиши билан боғлиқ. Хозирги кунда ушбу сўровлар натижалари бўйича тушунган маълумотларнинг чуқур таҳлили асосида мансабдор шахсларнинг сессияларда эшитилганини таъкидлаш лозим.

Пленумда қайд этилдики, «Соғлом бола йили» Давлат дастури жойларда ички амалга оширилиши ЎзХДП дастурий максадлари рўйбга чиқишида муҳим ўрин тутди. Демак, дастур ижросини назорат қилиш ҳамда унда белгиланган вазифалар бажарилишида фаол қатнашиш катта

Давоми. Боши 1-бетда.

масъулият талаб этади. Айниқса, бу жараёнда «Фаол аёллар» қанотининг муносиб ўрни бўлиши керак. Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сийёсий фаолигини ошириш сектори мудирини Шохиста Набиева бу мавзуга батафсил тўхтади.

— Партияимиз Дастурида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига жиддий эътибор қаратилган, — деди у. — Соғлом боланинг дунёга келиши кўп жihatдан оналарга боғлиқ. Шу сабабли ҳам «Фаол аёллар» қаноти, аввало, никоҳга қираётган шахсларнинг тиббий кўриқдан тўлиқ ўтишларини таъминлаш, бу борада қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши юзасидан депутатларимиз билан ҳамкорликда назорат-таҳлил олиб бориши зарур. Унинг натижаларини муҳокама этиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли идоралар олдида аниқ вазифалар кўйсақ, табиийки, бу ишларнинг самараси ошишига хизмат қилади.

Депутатлик корпусининг ишини самарали ташкил этиш партия Сайловолди дастури амалга оширишнинг муҳим кафолатидир. Бу борада ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши катта тажриба тўплаган. Шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги гуруҳи раҳбари Робия Қозимова бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ўтган йили 4 та масалани халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши сессиялари муҳокама қилиб чиқди, — деди у. — Битта мисол айтганим бўлса, биз шаҳардаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ўргандик. Уларнинг моддий-техник базаси, болаларга яратилган шарт-шароитлар, айниқса, овқатланиш, таълим-тарбия ишлари қай даражада олиб борилаётганини мониторинг қилдик. Унинг натижаларини депутатлик гуруҳида муҳокама қилиб, кейин тегишли доимий комиссия мажлиси ва



сессия муҳокамасига киритдик. Йўл қўйилаётган камчиликлар сессияда очик муҳокама қилинди. Натижада мактабгача таълим муассасаси мудирларидан 19 нафари вазифасидан четлаштирилди ва энг муҳими, болалар учун муносиб шарт-шароитлар яратилди. Айни пайтда хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, она ва бола марказида амалга оширилаётган ишлар, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги масалани ўргандик. Унинг натижаларини ҳам сессия муҳокамасига олиб чиқамиз.

Агар бир ишни қатъият билан бошласак ва электоратимизни ташвишга солаётган муаммоларни ҳеч қандай тап тормасдан кўтариб чиқaversак, албатта, бу ўзининг катта натижаларини беради.

ЎзХДП Марказий Кенгаши бўйим мудир Рўзимухаммад Хонназаров яқинда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) қонун асосида партия

ташкilotлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини янги босқичга кўтариш масалалари ҳақида тўхтади.

— Ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, вакиллик ҳокимиятининг таъсирини кучайтириш ислохотларни чуқурлаштиришда энг самарали йўл экани ривожланган мамлакатлар тажрибасида исботланган, — деди у. — Конституциянинг 103-моддасига вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши ҳақидаги тузатишлар киритилди. Бу ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан депутатлик назорати бўйича имкониятларимизни сезиларли даражада оширади. Ҳоким ҳисоботлар тақдим этаётганда партия гуруҳларимиз маҳаллий ижро ҳокимиятининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бора-бор энг муҳим вазифаларини амалга оширишдаги фаолиятига нисбатан ўз позицияларини аниқ белгилаш имкониятига эга бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бу қонун партияимиз ва унинг депутатлик тузилмалари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши керак. Қонун билан берилган ҳуқуқлардан қай даражада фойдаланиш эса ҳар бир партия ташкилоти, депутатлик гуруҳининг ўзига боғлиқ.

Шунингдек, пленумда вилоят партия кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти етакчиси Лазиз Боймуродов, Бухоро тиббиёт институти қошидаги Ғиждувон академик лицейи директори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зебо Абдуллаева, ЎзХДП Шофиркон, Қоровулбозор, Олот туман кенгашлари раислари Баҳром Нейматов, Юсуф Рахматуллаев Хуршид Невматовлар сўзга чиқдилар. Улар партия тизимида ёшлар билан ишлаш, депутатлар ташаббускорлигини ошириш, бошланғич ташкилотлар ишини кучайтириш каби масалалар юзасидан эътиборли тақлифларни ўртага ташлашди.

Пленумда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бекзод ШУКУРОВ

ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЁТГАН КАМЧИЛИКЛАР СЕССИЯДА ОЧИҚ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ. НАТИЖАДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АЙРИМ МУДИРАЛАРИГА НИСБАТАН КЕСКИН ЧОРА КЎРИЛДИ.



Партиянинг етакчи кучи

ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

«Фарғонаазот» очик акциядорлик жамиятининг парсув тайёрлаш цехи ишчиси Абдумажид Тўхлиев ЎзХДП бошланғич ташкилоти раиси Хурматилло Йўлдошевга партияга аъзо бўлишга қарор қилганини айтди.

— Мен тўртта сийёсий партиянинг дастурлари, корхонаимиздаги бошланғич ташкилотлари фаолияти билан танишдим ва ўзим учун ЎзХДПни танладим, — деди Абдумажид. — Чунки бу партия Дастуридаги максадлар, айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар меннинг дунёқарашимга ҳақда яқин экан.

БПТ раиси Абдумажидга ЎзХДП Уставини, керакли қўлланмаларни берди ва партия наشري «Ўзбекистон овози» газетасини мунтазам ўқиб боришни, ўз қарори хусусида яна бир бор ўйлаб кўришни тавсия қилди. Агар фикрида қатъий қолса, аъзоллик қабул қилиш ҳақидаги аризаси кўриб чиқилишини баён қилди.

— Биз учун партия аъзоларининг фақат сони муҳим эмас, улар гоъларимизга қанчалар содиқлиги асосий мезон бўлиши керак, — дейди Хурматилло Йўлдошев. — Шунинг учун янги аъзоларни сафимизга қабул қилишда шовша-шовшалликка йўл қўймасдан, уларни маълум синовлардан ўтказиб, кейин бир қарорга келамиз.

«ФАРҒОНААЗОТ» ОАЖдаги ЎзХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ 545 НАФАР АЪЗОНИ БИРЛАШТИРГАН. УЛАРНИНГ ЯРМИДАН ОРТИГИ ЁШЛАР.

Бунинг сабабларидан бири БПТ қошидаги «Истикбол» ёшлар қаноти корхона ёш ходимларини сийёсий жараёнларга жалб этишнинг ранг-баранг усулларидан фойдаланиб келаётгани, долзарб мавзуларда баҳс-мунозара, давра суҳбатлари ўтказилаётгани, ёшлар орасидан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигидир.

— 2013 йилда ёшлардан 14 нафари сафимизга қўшилди, — дейди техника бўлими мутахассиси, «Истикбол» ёшлар қаноти фаоли Фуломқодир Арапов. — Бу йилнинг биринчи чоратида-ёқ яна 15 нафар тенгдошларимизга ЎзХДП аъзолик гувоҳномалари топширилди.

— Ёшларнинг мамлакатимиз келажагига бефарқ эмаслиги, айниқса, сийёсий партиялар фаолияти, турли масалалар юзасидан ўз фикр-муносабатларини билдириб, фаоллик кўрсатаётганлари қувончлидир, — дейди Хурматилло Йўлдошев. — Шунинг учун ҳам биз халқ депутатлари Фарғона шаҳар ва вилоят Кенгашларига улар кўпроқ депутат этиб сайланишини истаймиз ва

бунга ҳаракат қиламиз. Жамоатимизда турли мавзуларда учрашув, давра суҳбатлари уюштирилди. Унда ёш сийёсатчилар мамлакатимизда рўй бераётган воқеалар, қонунлар ижроси, партия дастурий вазифалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Дарҳақиқат, партия фаолиятида юқори натижаларга эришишнинг омиллари кўп ва улардан бири бу БПТлардир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида бошланғич партия ташкилотлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш мавзусига бағишланган семинар-тренингда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Партия етакчилиги, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари раҳбарлари, БПТ раислари, партия фаоллари «Фарғонаазот» ОАЖдаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти тажрибасини омаллаштириш зарурлигини таъкидлади. Семинар-тренингда бошланғич партия ташкилотларининг таъкидланган ташкилотларини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сийёсий функцияларини самарали амалга ошириши учун уларни кўлаб-қувватлаш, партиянинг туман-шаҳар кенгашлари томонидан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини бошқаришга оид масалалар юзасидан маърузалар қилинди.

— Бошланғич ташкилотлар партия ўз электорати, депутатларимиз ўз сайловчилари билан самарали ишлашини ташкил этишда энг яхши механизмдир, — деди ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари Дилбархон Мамажонова. — Электоратнинг ижтимоий таркибини, муаммоларини ўрганиш бошланғич ташкилотлар зиммасига юкланди. Бундай маълумотлар партия учун дастурий ҳужжатларини янгилаб бориш, партиянинг стратегияси ва тактикасини белгилашда, айниқса, зарур бўлади.

Сўзга чиққанлар бошланғич ташкилотларни методик ва консултация ҳужжатлар билан таъминлаш масалаларига эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлашди. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотларини ёш, ташаббускор ва замонавий фикрловчи фаоллар билан мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар-тренинг иштирокчилари кичик гуруҳларда интерфакс усулида амалий маълумотларда катнашдилар.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

Масъулиятни биринчи навбатда ўзимиздан талаб этайлик

шунда ишимизнинг аниқ натижаси бўлади



Партияимиз дастурий максадларидан келиб чиқиб, алоҳида кўлаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг тўғри тақсимланиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби вазифалар ижросига алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидланди.

Пленумда партия кенгашларининг қўшимча иш ўринлари ташкил этиш борасидаги ташаббусларини янада кучайтириш, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини му-

Давоми. Боши 1-бетда.

тахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш муҳим вазифа экани хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш биз учун муҳим ижтимоий-сийёсий аҳамиятга эга масаладир, — дейди ЎзХДП Жарқўрган туман кенгаши раиси Алишер Маматмуродов. — Ўтган йили вилоят ва туман партия кенгашлари томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида касб-хунар коллежларида ўқувчиларни таълимга жалб қилиш борасидаги камчиликлар аниқланган эди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса ЎзХДП Жарқўрган туман кенгаши томонидан 8 та касб-хунар коллежида мониторинг олиб борилди. Тўғри, ижобий натижа-

ларга эришилган. Аммо ечимини кутаётган муаммолар борлигидан кўз юммаслик керак. Айрим таълим муассасаларида ўқувчиларнинг 50-60 фоизигина машғулотларда катнашмоқда. Биз, аввало, шу муаммони ҳал этишга эришмасак, битирувчиларни тўлиқ иш билан таъминлаш масаласи қийин бўлиб қолавереди.

Шунингдек, пленумда айрим партия ташкилотлари ва депутатлар фаолияти каттиқ танқид остига олинди. Алоҳида қайд этилдики, партия дастурий максадларини тарғиб қилиш, оммавий-сийёсий тадбирларни янада жонлантириш, электоратнинг сийёсий билим ва ҳуқуқий совиҳонлигини ошириш борасида камчиликлар оз эмас. Айрим бошланғич партия ташкилот-

ларида ўқувлар ташкил қилишга туман партия кенгашлари масъулият билан ёндашмаяпти. Ўтказилаётган ижтимоий-сийёсий тадбирлар даражасини, савиясини кўтариш, партия дастурий гоъларни асосида тадбирлар мазмунини бойитиш устувор вазифа бўлиши кераклигини уқтирилди.

— Маълумки, давлатимиз раҳбари Конституцияимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида сийёсий партиялар фаолиятини кучайтириш бўйича долзарб масалаларни ўртага қўйди, — деди пленумда сўзга чиққан ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Шунинг учун турли олимимиз кераки, давр ўзи олдимизга қўётган талаб кундан-кунга ортиб борапти. Шунинг учун ҳар бир партия ташкилоти, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиши ҳамда жорий йилда амалий натижаларга эришиш имкониятларидан самарали фойдаланиши лозим. Бу борада аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, давлат томонидан берилмаган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши керак. Партияимиз дастурий максадларидан келиб чиқиб ҳулоса қиладиган бўлсак, биз бу ишлардан жуда манфаатдоримиз.

— Бошланғич ташкилотлар партиянинг асосий таянчи ва суянчидир, — деди Олий Мажлис Қонун-

Ҳар бир партия ташкилоти, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиши ҳамда жорий йилда амалий натижаларга эришиш имкониятларидан самарали фойдаланиши лозим.

чилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шўҳрат Турсунбоев. — Шундай экан, аввало, куйи бўғинни мустаҳкамлаш, фаоллиланган тантанали маросимдаги маърузасида сийёсий партиялар фаолиятини кучайтириш бўйича долзарб масалаларни ўртага қўйди, — деди пленумда сўзга чиққан ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Шунинг учун турли олимимиз кераки, давр ўзи олдимизга қўётган талаб кундан-кунга ортиб борапти. Шунинг учун ҳар бир партия ташкилоти, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиши ҳамда жорий йилда амалий натижаларга эришиш имкониятларидан самарали фойдаланиши лозим. Бу борада аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, давлат томонидан берилмаган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши керак. Партияимиз дастурий максадларидан келиб чиқиб ҳулоса қиладиган бўлсак, биз бу ишлардан жуда манфаатдоримиз.

— Бошланғич ташкилотлар партиянинг асосий таянчи ва суянчидир, — деди Олий Мажлис Қонун-

Профессорнинг шифобахш хурмоси



ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ

Самарқанд давлат тиббиёт институти нейрохирургия курси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдурахмон Мамадалиев фаолиятдан лавҳалар.

Шифохонага автохалокат оқибатида бош мия жароҳатини олган бемор келтирилди. Бор имкониятлар ишга солинса-да унда ўзгариш бўлмади. Каттиқ зарба олиш натижасида орқа мияда қон

қотиб қолганлиги шифокорларни шошириб қўйди. Жароҳлик амалиёти ўтказилмас, беморни сақлаб қолиш кийин эди. Бу ўта мураккаб операцияни фақат профессор Абдурахмон Мамадалиев

қила олишини айтишди. Буни қарангки, шу кунларда Тошкент, Самарқанд шаҳарларидаги тиббиёт институти ва курси профессори-ўқитувчилари, нуфузли клиникларнинг бир гуруҳ тажрибали шифокорлари асаб тизими, юрак-қон-томир, урологик касалликлар ва бошқа хасталиклар бўйича Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманларида чуқур тиббий текшириш ҳафталигида иштирок этишаётган экан. Бу гуруҳ таърифида профессор Абдурахмон Мамадалиев ҳам бор эди.

ди. Шифохонада барча келган анжомлар тайёрланди. У ишга киришди. Шифокорнинг ўта нозик ҳаракатлари билан қотиб қолган қон мияга тозаланди. Беш соат давом этган мураккаб операциядан бир неча дақиқа ўтмай, афсуски, яна хуруж бошланди. Дард билан олишиш саккиз соат давом этди. Ҳаммининг елкасидан тоғ ағдарилди. Профессор чўнтагидан бир дона хурмо чиқарди, беморнинг ёнига қўйди: «Ўзига келганда берасизлар». Шундан сўнг у қўшни тумандаги яна бир оғир беморни қўришга отланди...

Орадан беш-олти йил ўтиб, профессорга мактуб келди. «Ассалому алайкум, менинг халоскорим Абдурахмон ака. Мен ўша сиз ўлим чағалидан олиб қолган Хусан бўлман. Ўшанда ўзимга келганимдан сўнг, қўлимга сиз қолдирган хурмони тутқазини. Ҳозир бутунлай тубалди кетдим. Биринчи ойлик маошимнинг ҳаммасига хурмо кўчати сотиб олдим. Катта боғ яратдим. Ҳар йили биринчи ҳосилини туман шифохонасига бераман. Сизга ҳам ўз боғимдан терилган хурмодан жўнатаяпман...»

Мактуб билан Сурхондарёдан келган хурмони олиб, профессорнинг кўзларида ёш қалқиди. Бу ўз касбидан мамнунлик ва севинч ёшлари эди... Кўз ўнгидан бутун

ҳаёти қайта жонланди.

У Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида дунёга келди. Самарқанд давлат медицина институтининг давлош факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади. Профессор Ф. Голуб раҳбарлигида илмий тадқиқот олиб борди. Шу билан бирга, ус-

лаётганлиги ўзбек олимларининг жаҳон тиббиёти ривожига нечоғли юксак ўрин тутишини билдиради ва уларнинг салоҳияти юқорилигидан дарак беради».

Санкт-Петербург нейрохирургия илмий текшириш институти профессори Наталья Иванова ҳам профессор Абдурахмон Мамадалиевнинг илмий ишлари баҳо бериб, бош мияга қон қуйилишлар, бош ва орқа мианинг туғма касалликлари, умуртқа поғонаси чурралари, шунингдек, бош ва орқа мианинг жароҳат олиш натижасида ривожланган касалликларни эндоскопик, эндовокүляр ва мини вазив усулда даволаш, катталар ва болаларда учрайдиган марказий асаб тизими касалликларининг олдини олиш, даволаш ва уларни эрта аниқлаш борасида Самарқанд давлат тиббиёт институти нейрохирургия курси профессорларидан кўп жиҳатларини ўрганиш кераклигини айтиб ўтган эди. Ана шу машаққатли ва шарафли йўлни ўйларкан, профессорнинг хаёлини телефон кўнгириги чалғитди.

Мактуб билан Сурхондарёдан келган хурмони олиб, профессорнинг кўзларида ёш қалқиди. Бу ўз касбидан мамнунлик ва севинч ёшлари эди...

този, профессор Саттор Мадиевдан мураккаб нейрохирургик операцияларни ўрганди. Илмий изланишлари натижасида 28 ёшида фан номзоди бўлди. Профессор А. Шахнович раҳбарлигида докторлик диссертациясини ёқлади.

Танқили олим 2002 йилда Ўзбекистон нейрохирурглар ассоциациясининг вице президенти этиб сайланди. Кейинчалик Чижиков номидаги олтин медалга сазовор бўлди. Ҳиндистонлик шифокор Алок Гупта ўзбек олими ҳақида шундай деган эди: «Профессор Абдурахмон Мамадалиевнинг калла суюли синиқларини металл қурулмалар ёрдамида қайта жойлаштириш борасида яратган ихтироси бугунги кунда дунёнинг кўпгина давлатлари даволаш муассасаларида муваффақиятли қўллани-

либ қўлланганлиги ўзбек олимларининг жаҳон тиббиёти ривожига нечоғли юксак ўрин тутишини билдиради ва уларнинг салоҳияти юқорилигидан дарак беради».

— Алло, жаноб профессор, клиникага автохалокатга учраган оғир бемор келтирилди. Ёрдამингиз керак. Сизни олиб келиш учун машина йўлга чиқди.

Абдували ХУДОЁЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика Маънавият тарғиботи маркази ҳамкорлигида матбуот анжумани ўтказилди.

«Болам бахтли бўлсин десангиз...»

Анжуманда «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг ўрни», «Маънавият тарғиботида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ва босма нашрларнинг ўрни» мавзусида атрофлича сўз юритилди, замонавий усул ва воситаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича илмий-амалий тақлифлар берилди. Шунингдек, марказ томонидан чоп этилган «Болам бахтли бўлсин десангиз...», «Ахборот асрида ёшларнинг дунёқароши», «Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш услубий тақомиллаштириш йўллари» ҳамда «Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини оширишнинг илмий-амалий воситалари алоҳида аҳамиятга эга», — дейди **Республика Маънавият тарғиботи Маркази раҳбари Кахрамон Кураббоев**. — Чўнги соғлом бола деганда кўз олдимизда ҳам жимсоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук фарзандлар гавдаланади. Бу борада Марказ томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилиб, 8 йил давомида 144 номда китоб ва рисола, 72 номда плакат ва 10 номда мультимедиа асарлари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, Марказ муассислигида «Маънавий ҳаёт» номли журнал ташкил этилди. Яқин кунларда журналнинг биринчи сони ўз ўқувчилари қўлига етиб боради.

Анжуман давомида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда республиканинг барча туманларида ўтказилиши режалаштирилган «Болам бахтли бўлсин десангиз...» номли ўқув-тренинг машғулоти тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Аслини олганда, амалга оширилган маънавий-маърифий ишларимизнинг барчаси шу эзгу мақсадга қаратилган.

Ферузбону НАБИЕВА, ЎзДЖТУ магистранти.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази» мажмуасида бўлиб ўтган банк технологиялари, асбоб-ускуналар ва хизматлари VII «BankExpo-2014» миллий кўргазмаси мамлакатимиз молия-банк тизими муваффақиятларининг яна бир ёрқин намоёни бўлди.

Аҳоли фаровонлиги



Ушбу йирик анъанавий анжуманда фаол қатнашган очик акциядорлик тижорат «Туронбанк» ҳам кўргазма қатнашчиларини ўз фаолияти, янги молия хизматлари ва замонавий банк маҳсулотлари билан яқиндан таништирди. Таъкидлаш жоизки, «Туронбанк» кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилаш ва ажратилаётган кредитлар самардорлигини оширишга ҳаракат қилаётир. Чўночи, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига банкнинг жами кредит қўйилмалари 418,9 миллиард сўмини ташкил қилди.



— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик равнақ топишида молия муассасаларининг, жумладан, «Туронбанк»нинг ҳам салмоқли ўрни бор, десам муболаға бўлмайди, — дейди **Бухоро вилоятидаги, «Искандар бобо» фермер ўжайлиги раиси Боймурод Очилов**. — Мухими, банк ўзининг хизмат турлари ҳамда имтиёзли микрокредитлари билан иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олишга эришмоқда. Банк мутахассис ва ходимлари жойларда фермер, тадбиркорлар учун ўқув-семинар ва тренинглар уюштироқда. Бу, албатта, бизнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий саводхонлигимизнинг ошишига, банк-молия соҳасига оид қарор ва фармонлар билан яқиндан танишишга имкон бермоқда.

15,2 миллиард сўм кредит ажратилиб, прогноз кўрсаткичи 119 фоизга бажарилди.

— Мен бир неча йилдири, ушбу банкнинг акциядори ва мижозиман, — дейди **Гулистон туманидаги «Фаол захматқаш» тайёрлов савдо корхонаси раҳбари Нодира Мираҳмедова**. — Дастлаб банкдан 10 миллион сўм кредит олиб, 2 нафар ишчи билан нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдим. Кейинчалик «Дамас» машинасини харид қилиб, иш фаолиятимизни янада кенгайтирдик. Айни кунда корхонамизда 15 нафар ишчи хизмат қилмоқда. Кўплаб танловларда ғолиб ва совриндор бўлдим. Келгусида ҳам фаолиятимизни кенгайтириш учун банк билан ҳамкорликни давом эттираман.

«Туронбанк» томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашиш ва молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Асосан аёллар меҳнатидан фойдаланадиган ҳамда аёллар бошқарадиган кичик корхоналарга

Бир сўз билан айтганда, «Туронбанк» томонидан мижозларга кўрсатилган ишончли ва тезкор хизматлар, ажратилаётган кредитлар аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Соғлом бола, соғлом миллат, соғлом келажак

ТАДБИР

Пойтахтимиздаги «City Palace» меҳмонхонасининг анжуманлар залида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишда ОАВ роли ва вазифалари» мавзусида республика илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази раҳбари Акмал Саидов

ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов Юртбошимиз томонидан

амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ОАВ орқали тезкор, сифатли ҳамда атрофлича ёритиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида журналистларнинг касб маҳоратини янада ошириш учун методологик базани мустаҳкамлаш каби масалалар юзасидан фикр билдирилди.

Маълумки, Мустақиллик миздан сўнг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг

асослари тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бу баркамол авлодни тарбиялаш масаласи мамлакатимизда устувор вазифа сифатида белгиланганлигининг амалдаги ифодаси эди. Дарҳақиқат, бола тарбияси, унинг камолотига жўда катта эътибор қаратилаётганда бу борада қўрилаётган чора-тадбирлар ниқбаси ниҳоятда кенг. Жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури бу борадаги ишларнинг мантикий давомидир.

Анжуманда шу ва шу каби масалалар тўғрисида мутахассислар томонидан маълумотлар берилди ва журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объектларни таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот 2-1. Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказини мукамал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 719,187 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 599,322 миллион сўм, қурилиш муддати — 6 ой.

Лот 2-2. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси, 126-ўйда жойлашган «Маданият уйи» биносини мукамал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 751,706 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 626,422 миллион сўм, қурилиш муддати — 5 ой.

Лот 2-3. Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги «Маданият ва дам олиш маркази» биносини мукамал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 582,262 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 485,218 миллион сўм, қурилиш муддати — 3 ой.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаро-

РЕКЛАМА

лик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирма иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектурлиги» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин. Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Тел/факс: (8-576) 221-44-73, 221-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-ўйда ўтказилади.**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFQOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochiiboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 460
19546
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.05
Topshirilgan vaqti — 22.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifa lojochi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5